

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ-ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ

**“Автомобиль-йўл корхоналари иқтисодиёти ва бошқаруви”
кафедраси**

ДАХ раиси Гаппаров М.

Кафедра мудири

проф. Саидов М.Х.

“ _____ ” _____ 2012 й

“ _____ ” _____ 2012 й

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида йўл-қурилиш
хизматлари бозорини ривожлантириш истиқболлари**

(“Тошавтойўл” ХЙФДТ мисолида)

5340200 -Менежмент (йўл хўжалиги)

Бажарди:

332-08 гуруҳ талабаси

А.Қ. Коилов

Раҳбар:

проф. М.Х.Саидов

ХФХ бўйича маслаҳатчи:

доц.Турғунов А.М.

Такризчи:

доц. Ф.Р.Мирзаев

Тошкент 2012

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида йўл-қурилиш хизматлари бозорини ривожлантириш истиқболлари

(“Тошавтойўл” ХЙФДТ мисолида)

Мундарижа

Кириш

1-Бўлим.Йўл-қурилиш хизматларини иқтисодиётда тутган ўрни ва унинг ривожланиш қонуниятлари

1.1.Йўл-қурилиш хизматлари бозорини ривожлантириш йўллари ва қонуниятлари.

1.2.Бозор иқтисодиёти шароитида йўл хўжалигини бошқариш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.

2-Бўлим. “Тошавтойўл” ХЙФДТни иқтисодий фаолиятини таҳлил этиш ва башорат қилиш.

2.1.Корхонанинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш.

2.2.Йўл хўжалиги ривожланишини режалаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари.

3-Бўлим. Йўл-қурилиш хизматларини бозорини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.

3.1. Йўл-қурилиш хизматларини ривожлантиришни иқтисодий жиҳатдан асослаш.

3.2. Йўл-қурилишининг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш.

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг дунё ҳамжамиятига кириш жараёнининг жадаллашиши муносабати билан асосий моддий бойликлар ҳаракатини таъминловчи хўжалик субъектлари фаолиятини амалга оширишда боғловчи бўғим сифатида транспорт инфратузулмаси ўрнининг оширилиши замонавий бозор иқтисодиётининг муҳим вазифаларидан биридир ва транспорт секторининг таркиби сифатида йўл тармоғи самарадорлигини кўтариш заруриятини туғдиради.

2012 йил 19 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” номли маърузасида “2012 йилда энг муҳим устувор вазифалардан бири транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантиришни таъминлашдан иборат бўлиб қолади. Бугунги кунда юксак тараққий топган замонавий мамлакатни иқтисодий ривожини, шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг ҳаётий фаолиятини таъминлайдиган магистрал коммуникацияларнинг кенг тармоғисиз тасаввур этиб бўлмайди” деб таъкидланган.

Шу муносабат билан автомобил йўллариининг самарали тармоғини яратиш, қишлоқ хўжалиги, саноат ва савдонинг ривожлантириш жараёнини тезлаштиришини қайд қилиш лозим. Бу шаҳар аҳолиси турмуш даражасини кўтаришга олиб келади ва янги иш жойларини барпо қилади, таълим олиш имкониятини кенгайтиради ва аҳолининг шахсий ташаббус

кўрсатишига кўмаклашади. Аҳолининг турмуш даражасини кўтаришда транспорт воситаларининг тезкор ҳаракатини таъминловчи йўлларнинг такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида келтирилган ва бошқа муҳим асосларга таянган ҳолда, мазкур битирув малакавий иши олдида қўйилган мақсад ва вазифалар иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида йўл-қурилиш хизматлари бозорини ривожлантиришни амалга оширишга ёрдам беради.

Битирув малакавий иши объекти “Тошавтойўл” ХЙФДТ ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг асосий мақсади - Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида йўл-қурилиш хизматлари бозорини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва уни иқтисодий жиҳатдан асослаш бўйича хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Мазкур мақсаддан келиб чиққан ҳолда, битирув малакавий иши олдида қуйидаги вазифаларни қўйилган:

- йўл-қурилиш хизматларини иқтисодиётда тутган ўрни аниқлаш;
- бозор иқтисодиёти шароитида йўл хўжалигини бошқариш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ўрганиш;
- “Тошавтойўл” ХЙФДТни иқтисодий фаолиятини таҳлил этиш;
- йўл-қурилиш хизматларини ривожлантиришни иқтисодий жиҳатдан асослаш ва иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш.

Битирув малакавий ишнинг предмети. Илмий ишнинг предмети бўлиб, йўл-қурилиш хизматлари бозорини иқтисодий таҳлил қилиш асосида корхона ҳолатини аниқлаш ҳисобланади.

Илмий – тадқиқот услубиёти. Илмий тадқиқот давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида олдинга сурилган ғоялар, Президентнинг фармонлари, қарорлари, хорижий ва мамлакатимиз

иқтисодчи олимларининг тадқиқотлари ва меъёрий ҳужжатлар хизмат қилади. Тадқиқот давомида замонавий менежмент, иқтисодий статистик тизим, таҳлил, таққослаш усулларида фойдаланилди.

Битирув малакавий ишнинг илмий янгиликлари. Ўтказилган тадқиқот натижаларини илмий жиҳатдан янгилиги қуйидагилардан иборат:

-йўл-қурилиш хизматларини бозорини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

-йўл-қурилиш хизматларини ривожлантиришни иқтисодий жиҳатдан асослаш ва иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш ҳисобланади.

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида йўл-қурилиш хизматлари бозорини ривожлантириш истиқболлари ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражасини кўрсатади ва ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, аҳоли маданиятини ривожланишининг, шаҳар ва қишлоқ орасидаги тафовутни йўқотишнинг шарти ҳисобланади ва республика ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асоси бўлиб хизмат қилади.

1-Бўлим.Йўл-қурилиш хизматларини иқтисодиётда тутган ўрни ва унинг ривожланиш қонуниятлари

1.1.Йўл-қурилиш хизматлари бозорини ривожлантириш йўллари ва қонуниятлари.

Ижтимоий ва иқтисодий муаммоларга комплекс ёндашув, уларнинг тармоқлараро ва минтақалараро миқёсидаги ечимини талаб қилади. Бундай ёндашув тармоқлараро алоқаларга боғлиқ бўлмаган ўзаро боғланишларни ҳисобга олиш имконини яратади. Дарҳақиқат, тармоқларнинг режаларида боғловчи занжир сифатида миқдор кўрсаткичларининг алоҳида олинган бир тармоқ миқёсида ўсиб бориши ҳисобга олинади. Комплекс ёндашувда эса иқтисодий тизим фаолияти, оралиқ натижаларга эмас, балки пироворд натижага эришишга йўналган бўлиб, бозор талабларига қаратилади.

Автомобиль йўл хўжалиги - техник-иқтисодий тизим бўлиб, у фаолият кўрсатиш мақсади, таркибий тузилиши, фойдаланиладиган ресурслар ва натижаларни баҳолаш нуқтаи назаридан қаралганда, у ташиш жараёнини транспорт коммуникациялари билан таъминлайди, автомобиль транспорти ҳаракатланувчи таркибининг иш унумдорлигини ошириш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратади, автомобиль йўлларидаги ҳаракат қатнови зичлигини ўзгартириш, геометрик омилларга ва уларни автомобиль транспорти томонидан тасарруф этилиши интенсивлигига боғлиқ равишда техник-тасарруф ҳолатларини таъминлайди.

Автомобиль транспорти бошқа транспорт турларидан бир қатор ўзига хос бўлган фарқларга эга, хусусан, унга доимо янги юк ҳажмларининг турларини ўзлаштириб боришга тўғри келади.

Автомобиль транспортида ҳудудий-тармоқ бошқарувининг тизимини ташкил этиш иқтисодиётнинг бир қатор тармоқлари ва шаҳобчаларини ягона автомобиль – йўл мажмуига бирлаштиришни талаб қилади (расм 1.1.)

Мамлакатнинг автомобиль-йўл мажмуини режалаштириш ва бошқариш, унинг фаолият кўрсатиши ва ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари ва барча шаҳобчаларнинг бирлигини ҳисобга олиб, пировард мақсадни кўзлаган ҳолда амалга ошириши керак.

Автомобиль йўл мажмуи барча элементларининг умумий мақсади корхоналар ва аҳолининг юклари ҳамда йўловчилар ташишга бўлган эҳтиёжини қондиришдан иборат.

Автомобиль – йўл мажмуи фаолияти ва ривожланишининг мезони сифатида транспортга бўлган талабларни қондириш учун сарфланадиган ижтимоий (жонли ва буюмлашган) меҳнат миқдори қабул қилиниши мумкин.

Кўриб чиқиладиган мажмуада тармоқлар орасида маълум бир ўзаро боғланишлар мавжуд, масалан, ҳаракатланувчи қисм сони билан автомобиль йўлларининг транспорт-экспедицион кўрсаткичлари орасида, юк ташиш ҳажмининг (маълум чегараларда) ўсиши билан автомобиллар ишлаб чиқариш ўртасида, ҳамда йўлларнинг умумий узунлиги ўртасидаги боғлиқликлар. Автомобиль йўллари зичлигининг ортиши ташиш масофаларининг қисқаришига ва шу орқали юкларни етказиб бериш тезлигининг ортишига олиб келади. Натижада бир автокорхона (сони ва

таркиби ўзгармаган ҳолда) кўпроқ ҳажмдаги юкни ташиш имкониятига эга бўлади.

Шундай қилиб, йўл хўжалигини самарали олиб бориш, бутун автомобиль – йўл мажмуининг ишлашини, ишлаб чиқариш ва моддий ресурслар тежамини таъминлаб, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг жадаллашувига, яъни ҳудудларнинг (биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги) ўзлаштирилишига, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларининг ва саноат корхоналарининг ривожланишига имкон яратади.

Йўл хўжалиги барча умумфойдаланувдаги автомобиль йўллари, ҳамда бу йўлларни таъмирлаш ва яроқли ҳолатда бўлишлигини таъминловчи корхона ва ташкилотларни ўз таркибига олади.

Умумфойдаланувдаги автомобиль йўлларида ташқари, мамлакатда саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ташкилотларга хизмат кўрсатувчи корхона ва идораларга тегишли йўллар ҳам мавжуд. Бу йўлларнинг ҳам кўпчилик қисми қаттиқ қопламага эга. Идора ва ташкилотларга тегишли бўлган йўллар йўл хўжалиги таркибига кирмайди. Улар тегишли ташкилот ва корхоналарнинг мулки саналиб, улардан иншоот сифатида фойдаланилади. Бу йўлларни таъмирлаш ва яроқли ҳолда ушлаб туриш шу корхоналарнинг зиммасига юклатилган.

Автомобиль йўлларининг у ёки бу туридан фойдаланишда (умумий юк кўтариш қобилияти, ўқларга тўғри келадиган юкланиш, габарит ўлчамлар, ҳаракатланиш тезлиги), ёнилғи – мойлаш материаллари харажати, автомобилларнинг ва уларнинг қисмларининг ейилиши, меҳнат унумдорлиги, ҳаракат хавфсизлиги ва ташиш таннархига ниҳоятда катта таъсир кўрсатади. Шу сабабли автомобиль йўлларининг транспорт-тасарруф кўрсаткичларининг яхшиланиши ҳаракатланувчи қисмини тасарруф этишга бўладиган харажатларнинг камайишига ва аксинча,

уларнинг камайишига автомобиль йўллари тизимини кенгайтиришга ҳамда уларни яроқли ҳолда ушлаб туришга маблағлар етишмаслиги, ҳаркатланувчи қисмнинг ишлаш шароитини ёмонлашувчи қисмининг ишлаш шароитини ёмонлашувига ва транспорт ҳамда бошқа турли харажатлар ва йўқотишларнинг ортишига сабаб бўлади.

Автомобиль йўлларнинг ривожланиб бориши, биринчи навбатда барча турдаги юклар ва йўловчиларни нисбатан қисқа масофаларга (200км гача) ташиш (темир йўл, дарё ва денгиз портларигача етказиб бериш), ҳамда қимматли ва тез бузилувчи юкларни катта масофаларга (1000км гача) ташишда ҳаркатланувчи қисмидан самарали фойдаланиш ҳамда нисбатан кичик ҳажмдаги юк ва йўловчи оқимларини ўзлаштириш имкониятини яратади (қишлоқ аҳоли пунктларини маъмурий, иқтисодий ва маданий марказлар билан боғлаш).

Автомобиль йўлларида фойдаланишнинг бу хусусиятлари уларнинг ривожланишида баъзи йўналишларга асос солди: каттик қопламали йўллар кўпайишида бир турдан бошқа турга ўтувчи қопламали йўллар ҳиссасининг камайиши, каттик турдаги қопламага эга бўлган йўллар узунлигининг ортиб бориши, амалда мавжуд бўлган энг кўп юкланган йўллар транспорт-тасарруф кўрсаткичларини ошириб бориш, қишлоқ жойлардаги тупроқ йўлларни тез суръатларда каттик қопламали йўлларга алмаштириш; автомобиль йўллари ривожланишининг муҳим хусусиятларидан бири уларни таъмирлаш жараёнида техник-тасарруф кўрсаткичларини режали равишда ошириб боришдир.

Йўл хўжалигига йўналтирилган пул маблағлари икки йўналиш бўйича харажат қилинади: капитал қурилишига; йўлларни таъмирлаш ва яроқли ҳолда тутиб туришга. Капитал маблағлар ҳисобига янги автомобиль йўллари, кўприк йўл ўтказгичлар, транспорт ечимлари ва

амалда мавжуд бўлган автомобиль йўллари юқорироқ техник категорияга ўтказиш мақсадида реконструкция қилиш ишлари амалга оширилади. Ҳаракатланувчи қисм ва автомобиль йўллари ўртасидаги техник жиҳатдан ўзаро боғлиқлик, уларнинг иқтисодий бирлиги ажратилган маблағлардан фойдаланишнинг шундай вариантларини амалга оширишни талаб қиладики, унда автомобиль йўл мажмуи элементлари, автомобиль ҳаракатланувчи қисми, йўл тасарруф ташкилотлари, автотаъмирлаш заводлари, техник хизмат кўрсатиш станциялари бўйича харажатлар минимал бўлсин.

Йўл хўжалиги мамлакатининг ягона транспорт тизимида муҳим рол ўйнайди. Ягона транспорт тизимининг таркибий қисми бўлган автомобиль транспортининг самарали ишлашини таъминлайди. Ягона транспорт тизими ривожланишининг тармоқли масалаларининг оптимал ечилиши, транспорт турлари бўйича ташишнинг рационал тақсимланишида ҳам автомобиль йўллари муҳим аҳамиятга эга.

Йўл хўжалиги моддий ишлаб чиқариш соҳасида (автомобиль транспортда юкларни ташиш) ва ишлаб чиқаришдан ташқари сферада (йўловчилар ташиш ва ижтимоий – маданий хизмат кўрсатиш) транспортга ва бутун иқтисодий жараёнларга хизмат қилади.

Йўл хўжалигининг моддий-техник асосини автомобиль йўллари ва уларга хизмат кўрсатиш ҳамда қайта тиклашга хизмат қилувчи техник воситалар ташкил этади (йўл машиналари, асфальтобетон заводлари ва ҳоказолар). Йўл ташкилотларининг ишлаб чиқариш фаолияти йўлларда уларнинг транспорт тасарруф кўрсаткичлари савиясини таъминлаш бўйича турли ишларни бажаришдан иборат (йўллар тизимининг зичлиги, ҳаракат тезликлари, йўл қўйилиши мумкин бўлган юкланишлар, йўлнинг ўтказувчанлик хусусиятлари ва ҳоказо).

Йўл хўжалиги - тармоқ сифатида халқ хўжалигининг кўпчилик тармоқлари билан бевосита алоқадордир. Автомобиль йўллари инфратузилманинг энг муҳим элементларидан бири саналади. Улар ҳақиқатан ҳам мамлакат транспорт тизимини, барча транспорт турларига ўзаро бир-бирига таъсир этишга ва биргаликда ишлашга моддий – техника асосини яратиб, алоҳида транспорт турларининг охирги пунктларини (терминалларни), юк жўнатувчилар ва қабул қилувчиларни ўзаро боғлайдилар. Ягона транспорт тизими ёки алоҳида транспорт тури миқёсида транспорт жараёнининг самарали ташкил этилиши йўл хўжалиги томонидан кўрсатиладиган хизматлар савиясига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Автомобиль йўлларининг аҳволи бундан ташқари қишлоқ хўжалиги корхоналари қурилиши, саноатнинг жуда кўп тармоқлари, маиший хизмат соҳаларининг ишига тўғридан-тўғри жуда катта таъсир ўтказди. Бу ерда тескари алоқа ҳам мавжуд.

Барча асосий ресурсларни (маблағлар, моддий ва кўпинча меҳнат ресурсларини ҳам) йўл хўжалиги у хизмат кўрсатувчи тармоқ корхоналаридан тўғридан-тўғри ёки давлат бошқаруви органлари орқали қайта тақсимланиш орқали оладилар. Иқтисодиётда йўл хўжалигининг объектив роли уни юқори суръатларида ривожланишига қаратилади.

1.2.Бозор иқтисодиёти шароитида йўл хўжалигини бошқариш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари

Автомобиль транспортининг кундан – кунга ортиб бораётган талаблари асосида автомобиль йўлларини ривожлантириш ва уларнинг транспорт тасарруф кўрсаткичларини ошириб бориш асосан «Ўзавтойўл» Давлат акциядорлик компанияси томонидан ташкил этилади..Республика миқёсида ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган автомобиль йўллари қурилиши, мамлакатдаги йўллар ва йўл иншоотларини таъмирлаш ва яроқли ҳолатда тутиш ҳам «Ўзавтойўл» Давлат акциядорлик компанияси

томонидан амалга оширилади. Йўл хўжалигини бошқаришнинг принципиал схемаси 2-расмда ифодаланган.

Вилоятларда ва Республика туманларида йўл ишларининг тўлиқ мажмуини бажарувчи (Умумдавлат аҳамиятига молик бўлган йўллардан ташқари) асосий ишлаб чиқариш бирлиги (корхонаси) бўлиб, йўл таъмирлаш қурилиш ташкилотлари саналади.

Мамлакатимизда корхона ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва вазифаларини белгиловчи асосий ҳужжат Давлат корхонаси (корхоналар бирлашмаси) ҳақидаги қонун «Ўзавтойўл» ДАК га қарашли шўъба (вилоят) корхоналари ва йўл таъмирлаш ва қурилиш ташкилотларида тўлиқ амал қилади. Йўл таъмирлаш, қурилиш ташкилотларининг ва йўл хўжалиги ишлаб чиқариш базаси корхоналарининг қуйи бўлимлари автомобиль йўлларининг ривожланганлик даражаси, уларининг транспорт-тасарруф ҳолати ва маҳаллий ташкилий ишлаб чиқариш хусусиятларига қараб ташкил этилади.

Илмий изланиш, лойиҳа-изланиш, ишлаб-чиқаришга илмий-изланиш, лойиҳа-технологик ишланмаларини жорий этиш ва бошқа илмий-техник тараққиётни жадаллаштирувчи тадбирларни жорий этиш «Ўзйўллойиҳа» бюроси томонидан амалга оширилади.

Қурилиш техникаларини таъмирлаш, автомобиль йўлларини қуриш, таъмирлаш ва яроқли ҳолда тутиб туриш учун махсус машиналар тайёрлаб, моддий-техника таъминоти, қурилиш материалларини қазиб олиш, қайта ишлаш ва қурилиш материалларини тайёрлаш бўйича алоҳида ишлар мажмуи ихтисослаштирилган бошқармалар кучлари билан бажарилади.

Шаҳар йўл хўжалиги (шаҳар йўллари ва кўчалари, майдонлар, қирғоқ иншоотлари, кўприклар, йўл ўтказгичлар, тоннеллар,

ободонлаштириш элементлари сифатида) ишлаб чиқаришдан ташқари сфера тармоғи бўлган коммунал хўжаликка қарашли бўлиб, уни бошқариш шаҳар ҳокимияти томонидан амалга оширилади.

Корхона ва идораларга тегишли автомобиль йўлларининг қурилиши (саноат корхоналарининг йўл хўжалиги, махсус кириш-чиқиш йўллари) корхоналарнинг буюртмаси ва тузилган шартномалар асосида ҳар хил вазирлик ва идораларга қарашли бўлган ихтисослашган йўл ташкилотларининг ёки корхоналарнинг ўз кучлари билан қурилиши мумкин. Худди шу тартибда йўллари ва йўл иншоотларини таъмирлаш ва яроқли ҳолда тутиб туриш ишлари ҳам бажарилиши мумкин. Қурилиш қатнашчиларининг ташкилий-иқтисодий муносабатлари тизими қурилишни амалга оширишнинг усулига қараб аниқланади. Қурилишни олиб боришнинг икки усули мавжуд: пудрат усули ва хўжалик усули.

Қурилишнинг пудрат усулида қурилиш - таъмирлаш, монтаж ва махсус ишлар доимий амал қилувчи, моддий - техника базасига, ишчи кадрлар ва керакли ресурсларга эга бўлган ташкилот томонидан бажарилади. Пудратчи қурилиш, қурилиш - монтаж, қурилиш - таъмирлаш ташкилотлари, буюртмачи ташкилотлар учун тузилган пудрат шартномалари асосида капитал қурилиш ишларини бажарадилар. Пудрат шартномаси буюртмачи билан пудратчи ўртасидаги муносабатларни, шартнома мажбуриятларини бажарилмаганлик учун иқтисодий жавобгарликни белгиловчи асосий ҳужжат саналади.

Пудрат шартномаси буюртмачи ва бош пудратчи ўртасида янги қурилиш, реконструкция, корхона, бино ва иншоотлар ёки уларнинг кетма-кетлигини техник жиҳатдан қайта жиҳозланиши учун зарур бўлган тўлиқ муддатга тузилиб, объектлар қурилиши режасига киритилган ва тасдиқланган титул рўйхатига эга бўлишлари керак. Буюртмачи одатда,

пудрат шартномасини битта қурилиш - монтаж ёки унга тенглаштирилган ташкилот - бош пудратчи билан тузади. Ўз навбатида, бош пудратчи алоҳида иш турлари ва комплексларини бажариш учун умумқурилиш ва ихтисослашган ташкилотлар билан субпудрат шартномалари тузиш ҳуқуқига эга. Бош пудратчи билан келишилган ҳолда, буюртмачи монтаж ва махсус ишларни бажариш учун монтажчи ва ихтисослашган ташкилотлар билан шартномалар тузиши мумкин (тўғридан-тўғри шартнома). Бундай ҳолатларда ускуналар монтажининг бошланиши ва тугалланиш муддатлари бош пудратчи билан келишилади.

Пудрат шартномасига кўра бажарилиши лозим бўлган ишларнинг қиймати шартномавий нархлар асосида аниқланади. Қурилишнинг бошланиши ва қурилиш муддатлари титул рўйхатига мувофиқ равишда пудрат шартномасида белгиланади.

Буюртмачи тузилган пудрат шартномасига мувофиқ равишда бош пудратчига қурилиш майдонини (трассани) тақдим этиб, тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларини етказиб бериши, қурилишни молиялаштиришни ўз вақтида очилиши ва бетўхтовлигини, ҳамда бажарилган ишлар учун ўз вақтида ҳақ тўланишини таъминлаши керак. Улардан ташқари, буюртмачи бош пудратчига қурилиш объектининг ва ишлаб-чиқариш қувватларининг ишга туширилиши билан мувофиқлаштирилган жадвал (график) асосида ускуна материаллар ва буюмларни комплекс равишда етказиб бериши ва бошқа бир қатор ташкилий тадбирларни амалга ошириши лозим.

Буюртмачининг энг муҳим функциялари бу бажарилган ишлар қийматининг лойиҳа - смета ҳужжатларига, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига ҳамда давлат стандарти ва техник шартларга мос келишлиги устидан техник назорат олиб бориш ва текшириш саналади. Агар

номувофиқликлар аниқланса, буюртмачи аниқланган камчиликларни тўғрилаш тўғрисида кўрсатма бериши, зарур бўлган ҳолатларда эса қурилишни камчиликлар тугатилмагунча тўхталиб туриши, бажарилган ишларга ҳақ тўлашни тўхтатиши мумкин.

Бош пудратчи режада ва титул рўйхатида кўзда тутилган қурилиш объектларини тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ва қурилиш меъёрлари ва қоидаларига мувофиқ равишда белгиланган муддатларда қуриши ва ишчи комиссияга топшириши керак.

Бош пудратчи қурилиш - монтаж ишларини, қурилишнинг муддат меъёрлари билан мувофиқлаштирилган ҳолда тузилган, ишларни бажариш графиги асосида амалга оширилишини таъминлаши керак. Бу график буюртмачи ва субпудратчи ташкилотлар билан келишилган ҳолда тузилиши керак.

Бош пудратчи қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича тасдиқланган режалар ва графикларнинг бажарилиши билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этишга барча қурилиш қатнашчиларининг фаолиятларини, у ташкилотларнинг қайси вазирлик ёки идорага тегишли бўлишидан қатъий назар, мувофиқлаштириш билан шуғулланади.

Пудрат шартномасини тузиш тартибига риоя қилмаслик, томонларнинг ўз мажбуриятларини бажармаслиги Давлат интизомининг бузилиши саналиб, шу бузилишига йўл қўйган томон учун мулкӣ жавобгарликни келтириб чиқаради.

Объектларни хўжалик услубида бунёд этилганда, қурилиш-монтаж ишларини бажариш корхоналар ва ташкилотларнинг ўз кучлари билан амалга оширилади. Хўжалик усулида бажариладиган қурилишнинг салмоғи юқори эмас. Инвестицион сиёсатдаги ўзгаришлар, бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг хўжалик мустақиллигининг

кенгайиб бориши, қурилиш - монтаж ишларини, биринчи навбатда, корхоналарни реконструкция қилиш ва техник қайта жиҳозлаш ишларини корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширишда, бу усулни ривожлантириш заруриятини тақозо қилади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг тараққийпарвар кўринишлари бўлган: концентрациялашув, кооперация ва ихтисослаштириш билан ўзаро чамбарчас боғлиқ.

Ишлаб чиқаришни концентрациялаштириш меҳнат тақсимооти билан ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уларнинг самарадорлиги ўртасидаги боғланишлар ва алоқаларни акс эттириб, уни ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатларининг ривожланишини келтириб чиқаради. Ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви дейилганда, қурилишнинг техник, технологик, ташкилий ва иқтисодий масалаларини илмий-техника тараққиёти ва илғор тажрибаларни жорий этиш асосида самарали ҳал этиш ва ишлаб чиқариш интенсивлигини ошириш имкониятига эга бўлган йирик қурилиш-монтаж ташкилотларида моддий-техник ва меҳнат ресурсларининг жамланиши тушунилади.

Автомобиль йўлларини қуриш, таъмирлаш ва яроқли ҳолда бўлишлигини таъминлашда ишлаб чиқаришнинг концентрациялашганлик кўрсаткичлари йўл ташкилотининг ўз кучлари билан бажараётган ишлари ҳажми, ишловчилар сони, асосий ишлаб-чиқариш фондларининг қиймати, ишлаб-чиқариш фондларининг қиймати, ишлаб чиқариш ва меҳнатнинг механик ва энергетик жиҳатдан қуролланганлиги каби кўрсаткичларда намоён бўлади.

Йирик йўл-қурилиш ва таъмирлаш қурилиш ташкилотларида ишлаб чиқаришни ва ишловчилар меҳнатини ташкил этиш масалаларини

комплекс ҳал этиш, ишларни бажариш усулларида оптимал фойдаланиш, мутахассис кадрлар тайёрлаш, ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириши учун қулай шарт-шароитлар яратилади. Аммо йўл ташкилотларини йириклаштириш, хизмат кўрсатиладиган вилоят ёки туманнинг майдон бирлигига тўғри келадиган йўл ишлари ҳажмига боғлиқ равишда, иқтисодий жиҳатдан асосланган маълум бир ўлчамгача бўлиши керак.

Чекланган ҳудудда йўл ишлари ҳажмининг катта бўлиши йўл ташкилотларини йириклаштиришни иқтисодий томондан самара келтирмайди. Бу, яъни, йирик йўл ташкилотларини тузиш хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтиришни талаб этади, ишлаб чиқаришни ташкил этишни мураккаблаштиради ҳамда ишлаб чиқариш воситаларини кўчириб юришга бўладиган харажатларнинг ортишига олиб келади. Ихтисослаштириш дейилганда ижтимоий меҳнат тақсимотининг кўринишлари (формалари) тушунилади. Ихтисослаштириш турли кўринишларда бўлиши мумкин: тармоқ бўйича (предметлар бўйича), деталлар бўйича, технология бўйича.

Тармоқ (предметлар) бўйича ихтисослаштириш қурилишнинг маълум бир тармоқлари бўйича амалга оширилади, масалан, саноат объектлари қурилиши, транспорт иншоотлари, аҳоли турар-жой бинолари, қишлоқ хўжалиги комплекслари ва бошқалар. Бундай ихтисослаштириш пировард қурилиш маҳсулотининг конструктив хусусиятларига асосланади: темир ва автомобиль йўллари, ҳаво, денгиз ва дарё портлари, саноат иншоотлари уй-жой бинолари ва бошқалар. Ихтисослаштиришнинг бундай кўриниши қурилиш-монтаж трестлари, қурилиш-монтаж бошқармалари ва бошқа бўлимлар тизимида учрайди. Ҳозирги кунда тармоқ бўйича ихтисослаштириш бош пудратчи йўл қурилиш ташкилотларида тобора кенг қўлланилмоқда.

Ихтисослаштирилган курилиш ташкилоти деб шундай ташкилотга айтиладики, унинг йиллик иш ҳажмининг камида 75 фоизини ихтисослашган профили бўйича ишлар ташкил этиши керак.

Деталлар бўйича ихтисослаштириш ихтисослашган ташкилотлар томонидан курилатган объект (иншоот)нинг маълум бир қисми ёки деталини бажарилишини кўзда тутди. Масалан, автомобиль йўллари курилишида деталлар бўйича ихтисослаштириш кўприклар, кичик сунъий иншоотлар ва бошқа курилишнинг умумий мажмуига кирувчи объектлар курилишидан иборат бўлади.

Технологик ихтисослаштириш деталлар бўйича ихтисослаштириш билан узвий боғлиқ бўлиб, уни янада чуқурлаштирилган кўринишидир. Бундай ихтисослаштиришнинг асосий хусусияти шундаки, у конкрет ишларнинг турлари ва комплекслари бўйича амалга оширилади, масалан, ишлар мажмуи бўйича ихтисослаштиришга, йўл полотносини тиклаш, йўл қопламасига асос тайёрлаш, йўл қопламасини яратиш, пардозлаш ишлари ва бошқаларни киритиш мумкин. Технологик ихтисослаштиришнинг янада чуқурлаштирилиши ишларни бажариш бўйича ихтисослашган участкаларни, мастерлар участкаларини ва бригадаларини яратишдан иборат. Ихтисослашганлик даражаси, ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан бажарилган ишлар ҳажмини умумий иш ҳажмига нисбати сифатида аниқланиши мумкин.

Кооперациялаштириш бу ҳар хил ташкилотлари билан хизмат кўрсатувчи хўжаликлар ўртасидаги ишлаб чиқариш алоқаларини режали равишда ташкил этишдир. Кооперациялаштириш концентрациялаштириш ва ихтисослаштириш билан узвий боғлиқ. Кооперациянинг янада ривожланиши ихтисослаштириш жараёнларининг янада кенгайиб ва чуқурлашиб боришидан келиб чиқади. Ихтисослаштириш қанчалик

чуқурлашиб борса, хўжалик ҳисобидаги пудратчи ташкилотларнинг ўзаро алоқаларига бўлган талаб ҳам шунчалик кўп бўлади. Кооперциялашишнинг энг кўп тарқалган тури – бу ихтисослашган йўл ишлари бажарувчилар ўртасида пудрат шартномаларига, календарь ва тармоқли (сетевой) графикларга ҳамда пудрат шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларга асосланган ўзаро ишлаб чиқариш муносабатларидир. У ёки бу даражада ихтисослашиш ва кооперациянинг самарадорлиги бажараладиган ишлар ҳажми ва қурилиш ташкилотининг ташкилий тузилишига боғлиқ бўлади.

Кооперация савиясининг сифат кўрсаткичи бу ишларнинг бетўхтов бажарилиб бориши, ишлаб чиқариш қувватлари ва барча турдаги ресурслардан тўлиқ фойдаланиш, ишлар бажарилишининг бир маромлиги, ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш бўйича топшириқларнинг бажарилиши ва меҳнат унумдорлиги бўйича ўсиш суръатларининг таъминланиши каби кўрсаткичлардир.

Ишлаб чиқаришни концентрациялаштириш ва ихтисослаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги автомобиль йўллари қурилиши, таъмирланиши ва уларни яроқли ҳолатда сақлаб туриш, таннархининг камайиши ва ишлаб чиқариш асосий фондларидан фойдаланиш самарадорлигининг яхшиланиши ҳисобига меҳнат унумдорлигининг ўсишида кўзга ташланади.

Бошқарувнинг иқтисодий усулларига ўтиш билан бир қаторда, йўл хўжалигида бошқарув тизимини такомиллаштиришда бошқарувнинг автоматлашган тизимини яратиш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга (АБТ).

Автоматлашган бошқарув тизими алоҳида корхоналарни ёки тармоқни бошқаришга мўлжалланган бўлиши мумкин. Тармоқни бошқариш автоматик тизими ЭХМ ёрдамида иқтисодий математик

методларни кенг қўллаб, замонавий алоқа воситалари ва автоматикадан фойдаланиб, тармоқнинг ривожланиши ва фаолият олиб боришини энг кам харажатлар билан таъминлаш имконини беради. АБТ ни ишлаб чиқиш ва жорий этишда бошқарув объекти (бутун тармоқ ёки алоҳида ташкилотлари) амалдаги бошқарув таркибини, ишлаб чиқаришнинг концентрациялашганлиги ва ихтисослашганлигини ҳисобга олган ҳолда қуйи тизимларга бўлиб чиқилади. АБТ икки гуруҳга ажратилиши мумкин: ахборот ва ахборот-бошқарув. Ахборот тизими ўз навбатида ахборот-ҳисобот ва ахборот-башорат тизимларидан иборат бўлиши мумкин.

Ахборот-ҳисобот тизими ахборотлар оқимини рационаллаштириш, қайталанишни тўхтатиш, ахборотларни саралаш, алоҳида кўрсаткичларни ҳисоблаш ва ҳоказоларга имконият яратади. Бу тизимлар автоматик тарзда ахборотларни йиғиш, узатиш, қайта ишлаш, ҳисоб-китоб ва ҳисобот ахборотларини тайёрлаб беришни кўзда тутди. Бундай тизимларнинг жорий этилиши, хусусан, назорат жараёнларини, моддий-техник ресурсларни етказиб бериш графикларини бажарилиши ва ҳоказоларни текшириб туришни автоматлаштириш имконини беради.

Ахборот-башорат тизими башорат масалаларини автоматлаштириш, биринчи навбатда, тармоқ ривожланишининг оптимал стратегиясини ишлаб чиқиш, иқтисодий нормативлар тизими ҳисобини автоматлаштириш имкониятини беради.

Ахборот бошқарув тизими ахборотларни автоматик тарзда йиғиш ва қайта ишлаш натижаларига асосланиб бошқарув объектининг оптимал режимда фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган бошқарув ечимларини ишлаб чиқиш имкониятини яратади.

Ахборот базаси, техник воситалар мажмуи математик таъминот АБТ нинг таъминловчи қисми саналиб, у қуйидаги элементлардан ташкил топади:

-ахборот таъминоти-норматив ва амалий қийматлар, бошқарув масалаларини ҳал этиш учун зарур бўлган иқтисодий ҳисоб-китобларни марказлашган ҳолда бажариш имконини яратади;

-математик таъминот-алгоритмлар мажмуи ва программалар;

-техник таъминот-корхоналарни зарурий ЭҲМлар билан, ахборотларни тўплаш ва қайта ишлаш учун керак бўлган ускуналар, ишлаб чиқаришни масофавий (дистанцион) назорат этиш ва нозимлаштириш ускуналари билан таъминлаш;

-услубий (методик) таъминот – АБТ хизмати ва бошқарув ходимларини бутун тизим миқёсида ва алоҳида кичик тизимлар (подсистемалар) инструктив ва методик ҳужжатлар мажмуи билан таъминлаш.

Йўл ҳўжалигида «Ходимлар», «Йўл» деб номланган ахборот-қидирув тизимлари жорий этилган ҳамда бир қатор молиявий-иқтисодий масалаларнинг ечими автоматлаштирилган.

2-Бўлим. “Тошавтойўл” ХЙФДТни иқтисодий фаолиятини таҳлил этиш ва башорат қилиш.

2.1.Корхонанинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПП-54сонли фармойишига асосан Кибрай ТЙХПТФДК деб номланади. Бу корхона “Тошавтойўл” ХЙФДТ тасарруфидаги корхона ҳисобланади. Кибрай ТЙХПТФДК си “Тошавтойўл” ХЙФДТ томонидан ижарага берилган 95 км давлат ва маҳаллий автомобил йўлларини сақлаш, таъмирлаш, қуриш ҳамда кеча кундуз автотранспорт воситаларини беталофат ҳаракатини таъминлашдир. Корхонанинг жами ишчи хизматчилари сони 115 кишидан иборат бўлиб, маъмурият ходимлар сони 10 та, мухандис техник хизматчилар сони 9та ва ишчилар сони 96 тадир.

Кибрай ТЙХПТФДКси 2011 йилда асосий фаолият бўйича маҳаллий автомобил йўлларида буюртмачи “Тошавтойўл” ХЙФДТга 201781,8 сўмлик, яъни бу 2010 йилга нисбатан 105%га, давлат автомобил йўлларида “Автомагистрал” ИАЙКТДБга 482851,6 сўм миқдорида, ўтган йилга нисбатан 102%га, ички хўжалик йўллари бўйича буюртмачи Кибрай

Ободонлаштиришга – 166970,6 сўм, Тошкент вилоят ШККБга 114856,1 сўм ҳамда пудрат ишлари бўйича 15871,8 сўм миқдорда – жами 982332,1 сўм миқдорда режарилган ишлар бажарилди. Бу 2010 йилга нисбатан 104% га бажарилган. 2010 йил даврида режалаштирилган ишларни амалга ошириш, ишчи хизматчилар манфаатларини ҳимоя қилиш, мол етказиб берувчи корхоналар билан бўлган молиявий алоқалар мутаносиб равишда амалга ошириб бориш учун корхонани айланма маблағларидан ташқари, муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларни қисқартириш ва бюджетга тўловларини интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 31 майда чиқарган 30 сонли баённомасига асосан солиқларни ўз вақтида тўлаш ва янги қарздорликни пайдо қилмаган ҳолда ҳисобланган устама тўловлари ҳисобидан чиқарилиши айтиб ўтилган. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги Республика Йўл Жамғармасининг 2011 йил йўл ишлари дастурига мувофиқ тендер танлов савдолари натижаларига кўра шартнома асосида ўрта ва тўла таъмир ишлари бажарилган. Корхона молиявий ишлари ҳисоботи компютерлаштирилган.

Кибрай ТЙХПТФДКси 2011 йилда асосий фаолият бўйича маҳаллий автомобил йўлларида буюртмачи “Тошавтойўл” ХЙФДТга 201781,8 сўмлик миқдордаги ишлар, яъни бундан жорий-59345,2 сўм, сақлаш-132838,2 сўм, қишки -6598,4 сўм миқдорида ишлар бажарилган. Давлат автомобил йўлларида “Автомагистрал” ИАЙКТДБга 482851,6 сўм миқдорида, яъни бундан жорий-58837,7 сўм, сақлаш-273119,1сўм, қишки -8075,7сўм миқдорида ишлар бажарилган. Корхонанинг 2010 йил бўйича молиявий ҳолати таҳлил қилинганда, бухгалтерия баланси ҳисоботида дебиторлик қарзлар 299697,0 минг сўм, келгуси давр харажатлари 156346,0 минг сўмни, кредиторлик қарзлари 793488,0 минг сўм, жумладан бюджет тўловлари 50224,0 минг сўмни ҳамда иш ҳақидан 158928,0 минг сўмни ташкил қилган.

2011 йил давридаги молиявий натижалар, яъни соф тушум-869467,0 минг сўм, маҳсулот, бажарилган ишлар ва хизматлар таннари -618964,0 минг сўм, давр харажатлари-238530,0 минг сўм, умумхўжалик фаолиятининг фойдаси -11973,0 минг сўм, ҳисобот даврида соф фойда-2516,0 минг сўмга бажарилгандир.

Кибрай ТЙХПТФДКсининг иқтисодий кўрсаткичларини ўзгариши таҳлили қуйидаги 1-жадвалда акс эттирилган. Яъни асосий фаолият тури бўйича 2011 йилда 578173,3 минг сўмлик ишлар бажарилгандир. Бу 2010 йилга нисбатан 71,0%ни, 2009 йилга нисбатан эса 142,1 % ташкил қилган. Пудрат фаолияти тури бўйича эса 2011 йилда 985846,3 минг сўмлик ишлар бажарилгандир. Бу 2010 йилга нисбатан 183,5%ни, 2009 йилга нисбатан эса 91 % ташкил қилган. Кўриниб турибдики, корхона пудрат фаолияти бўйича режалаштирилган ишларни 2011 йилда ортиғи билан бажарган. Барча бажарилган ишлар корхонанинг ўз хусусий кучларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган.

1-жадвал

Кибрай ТЙХПТФДКсининг иқтисодий кўрсаткичларини ўзгариши

таҳлили тўғрисида

МАЪЛУМОТ

(минг сўм)

№	Фаолият турлари	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2011 йил 2010 йилга нисба- тан %	2010 йил 2009 йилга нисба- тан %	2011 йил 2009 йилга нисба- тан %
1.	Асосий фаолият тури	405064,2	813151,5	578173,3	71,0	200,0	142,1

	бўйича						
2.	Пудрат фаолияти тури бўйича	1085896,7	537238,2	985846,3	183,5	49,4	91,0

Агар Кибрай ТЙХПТФДКсининг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисобот бўйича таҳлил қилганимизда қуйидаги ўзгаришларга эга бўламиз. Бу 2-жадвалда ўз ифодасига эгадир. Маҳсулот(товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум 2011 йил 2010 йилга нисбатан 94,8%ни, 2011 йил 2009 йилга нисбатан эса 104,8 %ни, 2010 йил 2009 йилга нисбатан 110,5 %ни ташкил қилиб, бу ерда 2011 йил 2010 йилга нисбатан 5,2 %га бажарилмаган. Маҳсулот(товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси 2011 йил 2010 йилга нисбатан 96,1%ни, 2011 йил 2009 йилга нисбатан эса 109,9 %ни, 2010 йил 2009 йилга нисбатан 114,3 %ни ташкил қилиб, бу ерда 2011 йил 2010 йилга нисбатан 3,9 %га бажарилмаган. Ҳисобот даврининг соф фойдаси 2011 йил 2010 йилга нисбатан 175,9%ни, 2011 йил 2009 йилга нисбатан эса 39,9 %ни, 2010 йил 2009 йилга нисбатан 22,7 %ни ташкил қилиб, бу ерда 2011 йил 2010 йилга нисбатан 75,9 %га бажарилганлигини кўриш мумкин. Бунга асосий сабаб янги технологиялардан фойдаланиш ҳисобига харажатларни камайиши ҳисобланади.

2-жадвал

Кибрай ТЙХПТФДКсининг молиявий натижаларининг ўзгариши

таҳлили тўғрисида

МАЪЛУМОТ

№	Фаолият турлари	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2011 йил 2010	2010 йил 2009	2011 йил 2009 йилга
---	--------------------	----------	-------------	-------------	---------------------	---------------------	---------------------------

					йилга нисба- тан %	йилга нисба- тан %	нисба- тан %
1.	Маҳсулот(то вар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум	786533	869467	824674	94,8	110,5	104,8
2.	Сотилган маҳсулот(тов ар, иш ва хизмат) ларнинг таннари	567431	618964	583740	94,3	109,1	102,8
3.	Маҳсулот(то вар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялли фойдаси	219102	250503	240934	96,1	114,3	109,9
4.	Давр харажатлари	202543	238534	227738	95,4	117,7	112,4
5.	Асосий фаолиятнинг фойдаси	16559	11973	24223	202,3	72,3	146,2

6.	Умумхўжали к фаолиятинин г фойдаси	16559	11973	15903	132,8	72,3	96,0
7.	Ҳисобот даврининг соф фойдаси	11094	2516	4426	175,9	22,7	39,9

2.2.Йўл хўжалиги ривожланишини режалаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари.

2011 йил Кибрай ТЙХПТФДКсининг ҳолатини янада яхшилаш чораларини куриш мақсадида, корхонанинг ортиқча ишлаб чиқариш захираларини сотувга чиқариш, корхонанинг тшлов муддати ўтган дебеторлик қарзларни ундириш бўйича чора тадбирлар белгилаш, корхонанинг моддий техник базасини ривожлантириш, корхонага янги техникаларни сотиб олиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш,

бунга эришиш мақсадида иш ҳажмини янада кучайтириш, жорий солиқ ва мажбурий тўловларни ўз вақтида ижро этиш режалаштирилган. “Автомобил йўллари тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 5 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг умумий фойдаланишдаги автомобил йўллари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисидаги” 169-сонли қарори ва ДАК “Ўзавтойўл” нинг 2010 йил 20 сентябрдаги “Умум фойдаланишдаги автомобил йўллари тармоғини йўл ташкилотлари ва корхоналари балансига бериш ҳамда йўл хизмати кўрсатиш учун бириктириш тўғрисидаги” 113-сонли шунингдек ХЙФДК “Ташавтойўл”нинг 2010 йил 20 сентябрдаги 98-сонли буруқларини ижросини таъминлаш бўйича умумий фойдаланишдаги маҳаллий аҳамиятга эга бўлган автомобил йўллари ҳисобини юритиш, йўл ва йўл мулкани сақлашни замонавий талаблар даражасида ташкил этиш, унинг транспорт воситаларига хизмат кўрсатиш даражасини муттасил ошириб бориш, транспорти ҳаракати хавфсизлиги ва қатнов узлуксизлигини таъминлаш мақсадида корхонанинг 2010 йил 18 августдаги 89-сонли буйруғи билан тузилган комиссия иштирокида корхона балансидаги маҳаллий аҳамиятдаги автомобил йўллари ХЙФДК “Ташавтойўл” балансига далолатнома асосида автомобил йўллари рўйхати берилган. 2011 йилда корхонага автомобил йўллари ижарага берилиб, қуйидаги иш турлари режлаштирилган: “Тошавтойўл” ХЙФДТ, “Автомагистрал” ИАЙКТДБ, Кибрай Ободонлаштириш бўлими ва Тошкент вилоят ШККБ. 2012 йил фаолиятида корхонанинг автомобил йўлларида бажарадиган ишларидан ташқари бошқа фаолият хизматлари ва қўшимча хўжалик фаолияти режалаштирилган.

Йўл хўжалиги ривожланишини режалаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, автомобил йўлларининг транспорт

фойдаланиш кўрсаткичларини тавсифини характерлаш мақсадга мувофиқдир.

Автомобил йўлларининг транспорт фойдаланиш кўрсаткичларини тўртта кўринишга бўлиш мумкин:

- 1.Автомобил йўлларининг транспорт ўтказиш қобилияти
- 2.Йўл пойи ва тушамасидан фойдаланишнинг сифат кўрсаткичлари
- 3.Автомобил йўлларини умумий ҳолати ва унда ҳаракатланиш шароити
- 4.Автомобилнинг транспорт қатнови самарадорлиги

Ҳар бир гуруҳни ташкил этувчи параметрлари таърифи 3-жадвалда келтирилган.

3-Жадвал

-

3-Бўлим. Йўл-қурилиш хизматларини бозорини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.

3.1.Йўл-қурилиш хизматларини ривожлантиришни иқтисодий жихатдан асослаш

Автомобиль йўллари тармоғи ҳудуд ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг энг муҳим элементи саналади. Инфратузилма тармоқларининг бажарадиган вазифаси - қайта ишлаб чиқариш учун умумий имкониятлар ҳамда моддий ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларининг фаолиятлари учун зарурий шарт-шароитларни яратишдан иборат. Шунга кўра йўллар тармоғининг вазифаси – ҳалқ хўжалиги ва аҳолининг автомобилларда ташишга бўлган эҳтиёжини қондириш учун зарур бўлган шароитни таъминлашдир. Бунда умумдавлат аҳамиятига эга бўлган йўл тармоқлари иқтисодий районлар ва умуман ҳалқ хўжалиги мажмуининг фаолият кўрсатишни таъминлайдилар. Маҳаллий йўл тармоқлари вилоятлар, маъмурий туманларнинг комплекс ривожланиши, туман ичи ва вилоят ичида йўловчилар ва юклар ташиш транспорт алоқаларининг амалга оширилиши учун зарур бўлган шарт-шароитларни таъминлайдилар.

Йўллар тармоғининг рационал ривожланиш муаммосига конкрет ҳудуддаги ишлаб чиқариш қувватларининг ривожланиши билан биргаликда қаралади. Республиканинг, вилоятнинг комплекс ижтимоий–иқтисодий ривожланишига, ҳудуд ичида ишлаб чиқаришнинг рационал ташкил этилиши ва жойлашиши тизимига, уларни таъминловчи автомобиль йўллари тармоғи мос келишлиги керак. Ҳудудда автомобиль йўллари тармоғининг ташкил этиб бориш жараёни қуйидаги босқичларда амалга ошади:

-ишлаб чиқаришга ва аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилашнинг асосий анъаналарини аниқловчи, бутун транспорт тизимининг ривожланишини башорат (прогноз) қилиш;

-йўл тармоғи ривожланиши схемаси – автомобиль йўлларини мукамаллаштиришнинг узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш;

-объектлар, капитал маблағлар сарфи, ишга тушуриладиган йўллар ҳажми кўрсатилган йўллар қуриш ва реконструкция қилишнинг конкрет режаларини ишлаб чиқиш;

-лойиҳалаштириш ва қурилиш режаларини амалга ошириш.

Барча босқичларда йўл тармоғига, ҳамма таркибий қисмлари бир-бири билан ҳар томонлама чамбарчас боғланган, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳанинг мураккаб ҳудудий ташкилий тизимининг бир компоненти сифатида қаралади.

Йўл тармоғи планировка тизими ва инфратузилма элементи сифатида, тизимни бутунча тавсифловчи (мураккаблик ва элементларнинг иерархиялилиги, географик боғланиши, локал мустаҳкамланганлиги, ташқи алоқаларнинг хилма-хиллиги) ва тизимнинг ривожланишини (инерциялилиқ, бир тёқисда ривожланмаслик, тажрибалар ўтказиб бўлмаслиги, башоратлар билан ечимларни амалга ошириш босқичларини ажратиб турувчи катта «давр») билдирувчи бир қатор хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар йўллар тармоғини башорат қилиш ва ривожланишини режалаштиришнинг асосий тамойилларини аниқлайди (белгилайди).

Асосий тамойиллар қуйидагилардан иборат:

-йўл тармоқларининг барпо этилиши ҳудудда ишлаб чиқариш қувватларининг самарали ривожланишига асосланади, яъни барча табиий, моддий, меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланишни, саноат ва қишлоқ хўжалигини рационал ташкил этилишини ҳисобга олган ҳолда;

-ҳудудий жойлашувлар ва ижтимоий – иқтисодий омиллар билан, йўл тармоқлари ривожланишининг ўзаро бир - бирига кўрсатадиган таъсирларини ҳисобга олиш;

-қурилишни босқичма-босқич ишлаб чиқариш ва галма-гал олиб борилганда тизимда юзага келадиган потенциал имкониятлардан фойдаланиш;

-техник-иқтисодий солиштиришнинг қабул қилинган мезонлари бўйича ечимларнинг вариантлилигини таъминлаш ва бошқалар.

Кўрсатиб ўтилаган тамойилларга мувофиқ равишда лойиҳалаштириш олди босқичида конкрет ҳудудда автомобиль йўллари тармоғини ривожлантиришни иқтисодий жиҳатдан асослаш амалга оширилади. Бундан кўзда тутилган мақсад –йўл шароитларини яхшилаш заруриятини аниқлаш ва асослаб беришдир. Бунда ҳар хил аҳамиятга эга бўлган автомобиль йўллари бўйича қурилиш ва реконструкция қилиш ҳажми аниқланади, халқ хўжалиги ва аҳолининг автомобилларда ташишга эҳтиёжларини қондирувчи энг рационал йўл тармоғи шакллантирилади.

Иқтисодий асослаш икки турдаги йирик ишларни бажаришини ўз ичига олади –лойиҳалашолди техник–иқтисодий изланишларни олиб бориш ва уларга асосланиб автомобиль йўлларининг ривожланиш схемасини, ҳамда алоҳида йўллар бўйича техник-иқтисодий асослаш ва техник-иқтисодий ҳисоб-китобларни ишлаб чиқиш.

Лойиҳалаш олди босқичида йўллар тармоғини мукаммаллаштиришнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини ва техник имкониятларини тасдиқловчи асосий ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:

-умумдавлат аҳамиятига эга бўлган автомобиль йўллари тармоғи ривожланишининг бош схемаси;

-республика, вилоят ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган автомобиль йўллари қурилиши ва реконструкциясининг ҳудудий схемалари;

-йирик ва мураккаб корхоналар ҳамда иншоотлар бўйича техник-иқтисодий асослашлар;

-бошқа объектлар ва иншоотлар бўйича техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар.

Автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилишнинг бош ва Ҳудудий схемалари узоқ муддатли дастур бўлиб (келажак 15-20 йилга), унда мамлакатнинг, ҳудудларнинг автомобиль йўлларига бўладиган эҳтиёжига баҳо берилади. Қурилиши керак бўладиган йўл қурилиши ишларининг ҳажми ҳудуднинг иқтисодий жиҳатдан ўзлаштирилганлигига, ҳудуднинг амалда мавжуд бўлган транспорт билан таъминланганлик даражасига, ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг йўналишига боғлиқ равишда аниқланади.

Схемаларда йўл шароитларини яхшилашга бўладиган шароитларини яхшилашга бўладиган эҳтиёж йўлларнинг йўналишлари бўйича зарур бўладиган меҳнат, материал ва йўл ресурслари миқдори кўрсатилган ҳолда аниқланади.

Режалаштиришдан кўзда тутилган мақсадга кўра йўл тармоғини ривожланиши ва қайта жиҳозланишини асослаш учун схемалар алоҳида йўл гуруҳлари – магистрал йўналишли йўллар, умумфойдаланиладиган асосий йўллар, вазирлик ва идораларга тегишли йўллар (масалан, қишлоқ хўжалиги ичи йўллари) бўйича ишлаб чиқилади. Бунда йўл тармоғининг қувватини (унинг ўтказувчанлик ва ташиш қобилияти) ривожлантиришга эҳтиёжни, капитал маблағларнинг миқдори ва ажратилиши навбатини ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва иқтисодий ҳудудлар бўйича жойлаштирилиши схемаси асосида белгиланади.

Техник-иқтисодий асослашлар ва техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар лойиҳалашолди ҳужжатлари сифатида – трассани танлаш, иншоотнинг қувватини асослаш, қурилиш навбатини белгилаш, қурилишни ташкил этиш ва кейинчалик йўлни тасарруф қилиш борасидаги энг самарали техник ечимларни асослаб беришга, схемани мукаммалаштириш ва тўлдиришга хизмат қиладилар.

Техник – иқтисодий асослашлар ва техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар ишлаб чиқишнинг объектлари автомобиль йўллари ёки мустақил транспорт –иқтисодий аҳамиятга эга бўлган йўл участкаларидир. Техник-иқтисодий асослашлар ва техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар барча умумдават, вилоят аҳамиятига эга бўлган йирик йўллар, четлаб ўтувчи ва шаҳар яқинидаги ҳалқа йўллар, автомобиль йўллари тугунлари, титулли кўприклар ва йирик йўл ўтказгичлар (путепровод) учун ишлаб чиқилади.

Техник-иқтисодий асослашлар ва техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар бош йўл лойиҳа – изланишлар ташкилоти томонидан буюртмачи ташкилотларнинг топшириғига кўра ишлаб чиқилиб, зарур бўлган ҳолларда бу ишларга ихтисослашган лойиҳа ва илмий-текшириш ташкилотларини ҳам жалб этадилар.

Лойиҳалаштириш ва қурилишнинг норматив муддатларига қараб, уларни ишлаб чиқиш қурилиш бошланишидан 2-3 йил аввал бошланади. Узоқ муддат мобайнида лойиҳалаштириши ва қурилиши мўлжалланган, трассани танлаш бўйича катта ҳажмдаги изланиш ишлари олиб борилишини талаб қиладиган автомобиль йўллари учун техник-иқтисодий асослашни ишлаб чиқиш уларнинг қурилишидан 4-5 йил аввал бошланиши мумкин.

Техник-иқтисодий асослаш (техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар) бўйича ишлар лойиҳалаш-изланиш ишлари учун ажратилган лимит чегарасида

тармоқ капитал маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Мухандислик изланишлари қийматини ҳисобга олмаган ҳолда, техник-иқтисодий асослашлар (техник –иқтисодий ҳисоб-китоблар)нинг қиймат, қурилишга автомобиль йўллари реконструкция қилишга лойиҳа ишланмалари қийматига тегишли коэффициентларни қўллаб аниқланади (0,3¹/40,15).

Техник - иқтисодий асослашлар (техник - иқтисодий ҳисоб - китоблар) тегишли иловалар билан биргаликда ёзма изоҳ кўринишида расмийлаштирилади. Материаллар ҳажми объектнинг мураккаблиги ва ҳалқ хўжалиги учун аҳамиятлилигига боғлиқ бўлади. У илмий-техника тараққиёти эришган ютуқларнинг жорий этилишини баҳолаш, тавсия этилаётган вариантнинг оптималлиги ва ҳалқ хўжалиги миқёсида самарадорлиги ва қурилишнинг ҳисоб - китоб қийматини аниқлаш учун етарли бўлиши керак.

Автомобиль йўли бўйича техник - иқтисодий асослаш ёзма изоҳининг таркиби ва мазмуни қуйидагилардан ташкил топади.

1. Техник-иқтисодий асослаш ишлаб чиқиш заруриятини тасдиқловчи ҳужжатлар - схема таркибига кирган қурилаётган йўл ҳақида маълумотлар, техник-иқтисодий асослашни ишлаб чиқиш учун бошланғич маълумотларнинг манбалари тўғрисидаги ахборотлар*.

2. Мазкур йўналиш бўйича йўлнинг амалда мавжуд бўлган ҳолатини билдирувчи маълумотлар.

3. Йўл ўтадиган ҳудуднинг транспорт - иқтисодий тавсифномаси.

4. Амалда мавжуд бўлган ва келажакда кутилаётган юк ва йўловчилар ташишнинг юк турлари ва қатнов мақсадлари бўйича таҳлили асосида лойиҳалаштирилдиган йўлнинг қувватини асослаб бериш, асосий ўзаро алоқа қилувчи пунктлар, уларнинг транспорт алоқаларига тавсифномалар, ташишни автомобиль транспортида бажаришнинг

мақсадга мувофиқлигининг таҳлили, йўлдаги автомобиллар ҳаракати таркиби ва интенсивлигининг ҳисоб – китоблари.

5. Асосий техник - иқтисодий кўрсаткичларга қараб вариантларни солиштириш ва йўлнинг йўналишини танлаш.

6. Тавсия этилаётган вариант бўйича асосий қурилиш ечимлари.

7. Қурилишни ташкил этиш.

8. Атроф - муҳитни муҳофаза қилиш.

9. Қурилиш иқтисодиёти, шу жумладан: смета қийматининг йириклаштирилган кўрсаткичлари бўйича қурилишнинг ҳисоб - китоб қийматини асослаб бериш, қурилиш ишлари бажарилишининг навбатлари ва кетма - кетлиги, автомобилларда ташиш таннархининг тавсифномаси, капитал маблағлар ижтимоий - иқтисодий самарадорлигининг ҳисоб-китоблари, лойиҳалаштирилаётган йўлнинг техник - иқтисодий кўрсаткичларини худди шу турдаги қурилиб бўлинган ва лойиҳалаштириб бўлинган автомобиль йўлларининг кўрсаткичлари билан солиштириш.

10. Автомобиль йўлини лойиҳалаштирилиши ва қурилиши иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эканлигига умумий баҳо бериш, асосий техник -иқтисодий кўрсаткичлар - йўлнинг қурилиш узунлиги, категорияси, ҳаракатланиш полосалари сони, юриш қисмининг кенглиги, ер полотносининг кенглиги, қоплама тури, қурилишнинг ҳисобий қиймати, қурилиш муддати, иқтисодий самарадорлик коэффициенти, йўл қурилиш материаллари, машиналар, механизмлар, меҳнат сарфига бўладиган эҳтиёж, лойиҳалаштиришнинг босқичлилиги бўйича тавсиялардан иборат бўлган хулосалар ва таклифлар.

11. Тасвирий (иллюстратив) материаллар.

Пудратчи ташкилот билан келишилган, тасдиқланган техник - иқтисодий асослашда кўзда тутилган, қурилишнинг ҳисобий қиймати

бутун лойиҳалаштириш ва қурилиш даври учун лимит бўлади ва капитал қурилиш режаларини тузиш пайтида ҳисобга олинади.

3.2. Йўл-қурилишининг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш

Автомобиль йўлларини юк ташувчи автомобиль транспортига, худди шундай йўловчи ташиш транспортига, ҳамда аҳолига умумий ободончиликнинг элементи сифатида тақдим этиш билан, йўл хўжалиги бир вақтнинг ўзида жамият фаолиятининг икки соҳасида - ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқаришдан ташқари соҳаларида иштирок этади. Шу сабабли йўл тармоғининг самарадорлик мезонига бу соҳаларда олинadиган натижалар орқали баҳо берилади. Ишлаб чиқариш фаолиятининг мақсадга мувофиқлик мезони миллий даромадни бунёд этиш ва унинг салмоғини ошириш саналади. Пировард натижада бу мақсадга эришишга олиб келувчи муайян натижалар иқтисодий самара деб аталади. Одатда уни қиймат ўлчагичларида ифодаляйдилар. Иқтисодий самара миқдорини унга эришиш учун қилинган харажатлар миқдори билан солиштириш орқали,

ишлаб чиқариш соҳасига тегишли бўлган корхонанинг ёки қандайдир бир муайян тадбирнинг иқтисодий самарадорлиги аниқланади.

Ишлаб чиқаришдан ташқари соҳада ижтимоий жиҳатдан мақсадга мувофиқликнинг мезони ижтимоий натижалар ҳисобланади. Улар муайян бир натурал кўрсаткичларда ифодаланадилар ва одатда иқтисодий самарадан фарқли ўлароқ уларни иқтисодий самарадан ягона кўрсаткичга келтириб бўлмайди.

Энг муҳим ижтимоий натижалар қаторига соғлиқни сақлаш, халқ таълими, уй-жой ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш тизимларининг ривожланишини, ижтимоий-демографик структура ва аҳоли ўсиши динамикаси кўрсаткичларини киритиш мумкин.

Йўл хўжалиги фақат иқтисодий эмас, балки бевосита ижтимоий натижаларни ҳам ярата бориб, ўз фаолияти ва ривожланишида ўзига хос кўрсаткичлар тизими орқали кўзга ташланувчи ижтимоий-иқтисодий самарадорлик билан тавсифланади (ҳарактерланади). Ижтимоий натижаларнинг баъзи турлари иқтисодий самарага эга. У иқтисодий самарадорликни аниқлашда ҳисобга олинади.

Йўл хўжалиги ривожланишининг йирик ижтимоий-иқтисодий натижаларга эришишни таъминловчи йўналишларидан бири, ҳар бир аҳоли яшовчи пунктни маъмурий, маданий ва хўжалик марказлари билан ишончли транспорт алоқасини таъминлаш мақсадида қишлоқ жойларда йўллар қуриш саналади.

Йўл хўжалиги самарадорлигини умумлашган кўринишда, автомобиль йўлларида транспорт воситалари фойдаланишдан ҳосил бўладиган иқтисодий самара қийматининг шу йўлларни барпо этиш учун қилинган харажатлар суммасига нисбати сифатида тасаввур этиш мумкин.

Аммо принципиал ва амалий ҳарактерга эга бўлган қийинчиликлар туфайли йўллардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини тўла ҳажмда аниқлашнинг иложи йўқ. Йўл хўжалигининг самарадорлиги қандайдир бир давр учун «қўшимча ўсиш» деб аталувчи кўрсаткичлар билан баҳоланиши мумкин. Автомобиль йўлларининг ривожланишидан ҳосил бўладиган иқтисодий самара кўп қиррали хусусиятга эга.

Транспорт ичидаги иқтисодий самара биринчи навбатда ташишга бўладиган харажатларнинг камайишидан ташкил топади. Унинг миқдори қишлоқ хўжалик корхоналарининг автомобиль йўлларини ривожлантириш тадбирлари ўтказилгунча (эталон ҳолат) ва тадбир ўтказилгандан кейинги шароитда (лойиҳа ҳолати), ташишга бўладиган харажатларни ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Ундан ташқари, транспорт ичи иқтисодий самараси таркибига хўжалик ҳисобидаги транспорт корхоналарининг кўриб чиқиладиган тадбир амалга оширилгач (лойиҳа ҳолати), қўшимча юклар ташилиши ҳисобига оладиган фойдалари ҳам киради.

Иқтисодий самаранинг иккинчи бир тури транспортдан ташқари иқтисодий самара бўлиб, унинг таркибига биринчи навбатда автомобиль йўллари тармоғининг аҳволига боғлиқ бўлган, халқ хўжалигидаги йўқотишлар ва харажатларнинг камайишидан ҳосил бўладиган тежамлар киради. Транспортдан ташқари иқтисодий самара ҳосил бўлишининг яна битта йўналиши – бу автомобиль йўлларининг моддий ишлаб чиқариш соҳаси ривожланишига кўрсатадиган рағбатлантирувчи таъсири бўлиб, тегишли хўжалик бирлашмалари ва корхоналарнинг соф маҳсулот ҳажмининг ўсишида ўз аксини топади.

Иқтисодий самаранинг учинчи тури - йўллар ривожланиши орқасидан эришиладиган ижтимоий натижалардан олинадиган иқтисодий самара бўлиб, унинг таркибига қуйидагилар киради:

- ривожланиш даражаси сақланиб қолган ҳолда (ижтимоий зарурий харажатлар ҳажми), ижтимоий соҳага харажатларнинг нисбатан камайиши;
- йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида бўладиган йўқотишларнинг қисқариши;
- аҳолининг йўловчи транспортда юриш вақтлари билан боғлиқ бўлган мамлакат иқтисодиётидаги йўқотишларнинг қисқариши (камайиши).

Умумфойдаланиш автомобиль йўлларининг ривожланиши фуқароларга қарашли бўлган шахсий транспорт воситаларидан (автомобиллар, мотоцикллар, мотороллерлар, велосипедлар ва бошқалар) фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратади, бу эса жамиятнинг тобора ўсиб бораётган ижтимоий эҳтиёжларини қондиришнинг бир тури ҳисобланади.

Автомобиль йўлларининг яхшиланиши ҳисобига шахсий транспорт воситалари эгалари кўрадиган манфаатни, давлат томонидан аҳолининг бир қисмига ижтимоий истеъмол фондлари орқали берилаётган қўшимча тўловлар деб саналиши мумкин. Улар иқтисодий самара таркибига кирмайди.

Хусусий ҳолда даврнинг давом этиш вақти T алоҳида йўл объектнинг қурилиш муддатига тенг деб қабул қилиниши мумкин, у ҳолда масаланинг моҳияти шу объектга капитал маблағлар сарфнинг самарадорлигини аниқлашдан иборат бўлиб қолади.

Йўл хўжалигига бузиладиган ресурслар чекланганлиги шарт-шароитларида унинг иқтисодий самардорлигини ошириш оптималлаштириш вазифаси саналади. Икки қисмдан ташкил топган (автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги) тизимни оптималлаштиришга, ҳар икки қисмнинг ресурс ва натижа параметрларини ўзаро бирлаштирувчи, тизим фаолиятининг аниқлаштирилган мақсадларини шакллантирувчи қандайдир бир «бошқарувчи блок» мавжуд бўлгандагина эришиш мумкин. Унинг йўқлиги натижасида, амалда автомобиль транспорти ва йўл хўжалигининг фаолият кўрсатиши ва ривожланиши, улар ўртасидаги оптимал пропорцияларни белгилашга оид умумий оптималлаштириш масалаларини ҳал этиш ўрнига, қуйи тизимлар элементларининг ўзаро таъсирларини замон ва маконда локаллаштирувчи хусусий масалалар ҳал этиб келинмоқда.

1. Йўл хўжалиги объектларига капитал маблағлар сарфининг энг самарали йўналишларини таъминлаш; лойиҳа ечимларини оптималлаштириш; автомобиль транспорти томонидан йўллардан фойдаланиш ўлчами билан уларни қайта тиклаш ўлчамлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш; фойдаланиш натижасида энг кўп иқтисодий самара кўрилишини таъминловчи йўлларда ҳаракатни ташкил қилиш; йўлларни яроқли тутиб туриш, ташишни транспорт турлари бўйича рационал тақсимлаш.

2. Тасарруфдаги йўлларнинг ишлар олиб борилаётган зоналарида йўл ташкилотларининг харажатлари ва автомобиль транспортида бўладиган йўқотишларни ҳисобга олган ҳолда йўл ишларини бажариш услубларини оптималлаштириш; таъмирлаш-қурилиш ишларининг таннархини пасайтириш ва йўл ташкилотларининг асосий ва айланма фондларга харажатларини нисбатан камайтириш мақсадида, йўл ташкилотларининг

ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш; йўл ташкилотлари фаолиятининг хўжалик ҳисоби натижаларини яхшилаш.

Биринчи гуруҳга тегишли масалаларнинг ҳал этилиши йўл хўжалиги маҳсулотини транспортлар томонидан истеъмол қилинишидан олинадиган иқтисодий самарани ўстиради. Иккинчи гуруҳга тегишли масалаларнинг ҳал этилиши эса йўл хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарилишига бўладиган харажатлар миқдорини қисқартиради. Шундай қилиб, йўл хўжалигида ижтимоий ишлаб-чиқариш самарадорлигини оширишнинг иккита аспекти мавжуд экан: лойиҳа-режа ва ишлаб-чиқариш – хўжалик.

Йўл хўжалиги қуйи тузилмаларининг, локал оптималлаштириш масалаларини ҳал этиш асосида эришилган тартиблилик ҳолати, хўжалик ҳисоби муносабатлари тизими ёрдамида сақланиб туриши керак. Тармоқ миқёсида тўлиқ хўжалик ҳисобининг йўқлиги, унинг алоҳида элементлари миқёсида амал қилувчи, хўжалик ҳисоби самарадорлигининг хусусий кўрсаткичлари – меҳнат унумдорлиги, асосий фондлар самарадорлиги, маҳсулот таннархи, ишлаб чиқаришнинг хўжалик ҳисоби рентабеллигидан фойдаланиб, ишлаб чиқаришни иқтисодий рағбатлантиришга асосланган локал хўжалик ҳисоби механизмларини қўллашни тақозо қилади. Йўл хўжалиги объектларига капитал маблағлар сарфи самарадорлиги кўрсаткичлари билан биргаликда улар тармоқнинг етарли даражадаги тўлиб тавсифини беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси “Автомобил йўллари тўғрисида» ги Қонуни, 2007 йил 29 июнда Қонунчилик палатасида қабул қилинган, 2007 йил 24 августда Сенат томонидан маъқулланган. 2007 йил 3 июлда кучга кирган.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. 2012 йил 2 май №ЎРҚ-328.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуни. 2012 йил 26 апрель №ЎРҚ-327.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабрдаги №ПҚ-1446-сонли “Об ускорении развития инфраструктуры, транспортного и коммуникационного строительства в 2011-2015годах” Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 ноябрдаги №ПҚ-511-сонли ““ЎЗАВТОЙЎЛ” давлат акциядорлик компанияси ташкилий тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Қарори.
6. Постановление Президента Республики Узбекистана «О мерах по совершенствованию организационной структуры государственно-акционерной компании «УЗАВТОЙУЛ». 14.11.2006 г. №ПП-511.
7. Постановление Президента Республики Узбекистана «О мерах по реализации программы многотраншевого финансирования проекта «Развитие региональных автомобильных дорог.Фаза 2» с участием Азиатского банка развития». 03.05.2010 г. №ПП-1331.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 21 августдаги 361-сонли «Узавтойул» Давлат-акционерлик компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисидаги Қарори

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 20 январь, ПҚ-1041-сон.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 й. 28.08. «Йул хужалигини бошқаришни такомиллаштириш чоралари хақидаги» қарори

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4058-сон.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши. Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибни тасдиқлаш тўғрисида. 2008 йил 19 ноябрь, Ф-4010-сон.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2008 йил 18 ноябрь, ПФ-4053-сон.

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йил 21 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий –иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилда иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги маърузаси.

16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” тўғрисидаги маърузаси. 12.11.2010й.

17. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

18. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

19. Ўзбекистон – иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида. (Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В.) Т.: Иқтисодиёт, 2008. – 126 б. (электрон версияси билан).

20. Оммабоп иқтисодиёт: моҳияти ва асосий тушунчалари (ўзбек ва рус тилларида). Илмий-оммабоп қўлланма. (Бекмуродов А.Ш., Гимранова О.Б., Шамшиева Н.Н.) Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 92 б. (электрон версияси билан).

21. Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш йўлида. Экспресс-проспект. (Бекмуродов А.Ш., Беркинов Б.Б., Усмонов Б.Б., Ҳамидов О.М., Ғафуров У.В. ва Неъматов И.У.) Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 5 б. (электрон версияси билан).

22. 2010 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари. Экспресс-тестлар. (Бекмуродов А.Ш.,

Амонбоев М.А., Каттаев Н.Т.) Т.: Иқтисодиёт, 2010. – 15 б. (электрон версияси билан).

23. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллар бўйича статистик тўпламлари.

24. Гармонов Е.Н. и др. Экономика дорожного хозяйства. –М.: Транспорт, 2004г.

25. Педант М.П. Экономика дорожного хозяйства. –М.: Транспорт, 1994г

26. В.М. Могилевич., Т.В. Боброва. Организация дорожно-строительных работ. Москва «Транспорт» 2003г.

27. Степанов И.С. Экономика строительство -Москва 2002г.

28. Саидов З.Х. Организационно-экономические вопросх производительно-технической базах дорожного хозяйства. Ташкент «Фан» 1992г.

29. В.Г. Попов. Строительство автомобильных дорог. М.МАДИ. 2001г.

30. Л.Чистов. Экономике строительстве. Изд.Питер. Санкт – Петербург. 2002г.

31. Б.И. Каменецкий, И.Г. Кошкин. Организация строительства автомобильных дорог. М. «Транспорт» 2001г

32. Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В. Ўзбекистон – иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида: Ўқув қўлланма. – Т.: «Иқтисодиёт» нашр, 2008. – 128 б.